



## Қиёмат қойим бўлмайди, токи қабр ёнидан ўтаётган киши: «Қани эди унинг ўрнида мен бўлсам», деб айтмагунича», - дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат қойим бўлмайди, токи қабр ёнидан ўтаётган киши: «Қани эди унинг ўрнида мен бўлсам», деб айтмагунича», - дедилар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда токи қабр ёнидан ўтаётган киши қабрдагининг ўрнида ўлик бўлишни умид қилмагунча Қиёмат қоим бўлмаслигини хабар бердилар. Бунга сабаб, фитна, маъсият ва мункар ишлар зоҳир бўлгани учун ботил ғолиб келиб, динидан маҳрум бўлишидан қўрқишидир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65022>

